

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ,
САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ,
АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.26.04.2018.Fil.01.10 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

РЎЗИЕВ ЯРАШ БОЗОРОВИЧ

**НЕМИС ТИЛИ ЗАМОН ШАКЛЛАРИ ТРАНСПОЗИЦИЯСИНИНГ
ПРАГМАСТИЛИСТИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

**10.00.04 – Европа, Америка ва Австралия халқлари
тили ва адабиёти**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент– 2019

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**

**Content of Dissertation abstract of Doctor Philosophy (PhD) on
Philological Science**

Рўзиёв Яраш Бозорович

Немис тили замон шакллари транспозициясининг прагмастилистик
хусусиятлари 3

Рузиёв Яраш Бозорович

Прагмастилистические особенности транспозиции временных форм
глагола в немецком языке 23

Ruziev Yarash Bozorovich

Pragmastylistic aspects of tense forms transposition in the German
language 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 47

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ,
САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ,
АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.26.04.2018.Fil.01.10 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

РЎЗИЕВ ЯРАШ БОЗОРОВИЧ

**НЕМИС ТИЛИ ЗАМОН ШАКЛЛАРИ ТРАНСПОЗИЦИЯСИНИНГ
ПРАГМАСТИЛИСТИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

**10.00.04 – Европа, Америка ва Австралия халқлари
тили ва адабиёти**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1.PhD/Fil397 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз(резюме)) Илмий Кенгаш веб-саҳифасининг www.nuu.uz ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали www.ziyounet.uz манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Сафаров Шаҳриёр Сафарович
фил. фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Қулмаматов Дўсмамат Саттарович
филология фанлари доктори

Исмаилов Юсуб Ниязметович
филология фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Самарқанд давлат университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети, Самарқанд давлат чет тиллар институти, Андижон давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.26.04.2018.Fil.01.10 рақамли Илмий кенгашнинг «__» _____ 2019 йил соат ____даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Фаробий кўчаси, 400 уй. Тел: (99871) 246-08-62; (99871) 246-65-24, e-mail: nauka@nuu.uz. Ўзбекистон Миллий университети, Хорижий филология факультети (1-12 ауд.)

Докторлик (PhD) диссертацияси билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан руйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4 уй. Тел: (99871) 246-08-62.

Диссертация автореферати 2019 йил «__» _____ куни тарқатилди.

(2019 йил «__» _____даги № __ рақамли реестр баённомаси)

А.Г.Шереметьева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

Ш.О.Назирова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, филол.ф.н., доцент

И.А.Сиддиқова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол.ф.д., профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида тил ва нутқ бирликлари таҳлилига антропоцентрик ёндашувнинг етакчи ўринга чиқиши янги тадқиқ усул, шакллари яратилишига асос бўлмоқда. Тилшунослик фани ривожининг ҳозирги босқичи кўп парадигмали бўлганлиги туфайли лисоний ҳодисаларни янги ёндашувларни инобатга олган ҳолда мажмуавий кўринишда тадқиқ қилишни тақозо этади. Шу жумладан, морфологик сатҳ доирасида феъл замон шаклларини тизимли равишда ўрганишга алоҳида эътибор берилмоқда ҳамда мазкур грамматик категориянинг объектив замонни акс эттириш ва воқеа-ҳодисаларни аслига мувофиқ тарзда ифодалаш имкониятлари тавсифланиши талаб қилинади. Айни пайтда бир замон шаклининг иккинчиси вазифасида қўлланиши, уларнинг парадигматик ва синтагматик муносабатларига доир ҳолатларни замонавий тилшуносликнинг етакчи йўналишлари нуктаи назаридан талқин қилиш долзарблашаётганини қайд этиш жоиз.

Дунё илмий мактабларида замон шаклларининг тавсифий белгилари ва тиллараро фаркли жиҳатлари кенг миқёсда тадқиқ этиб келинмоқда. Шунинг билан биргаликда, ушбу лисоний ҳодисанинг матн кўламидаги вазифадошлик ва маънодошлик хусусиятлари етарли даражада ёритилмаган. Бинобарин, замон шакллари транспозицияси билан боғлиқ назарий масалалар муҳокамаси энг муҳим вазифалардан биридир. Хусусан, лисоний ва нолисоний нутқ ҳолатларини қиёслаш жараёнида таянч замон шаклларининг қўлланиш чегарасини аниқлаш, уларнинг прагматик ва стилистик имкониятарини белгилаш, транспозициянинг юзага келиш сабаблари, ушбу ҳодисанинг матнда намоён бўладиган семантик – функционал хусусияларини батафсил ўрганиш зарурияти мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси истиқболли ривожланишининг янги бочкичида маданият, санъат ва фан соҳаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ижтимоий – маданий ҳаёт жабҳаларидаги ижобий сифат ўзгаришлари чет тилларни ўқитиш тизимида ҳам ўз аксини топмоқда. Мамлакатимизда жорий қилинган хорижий тилларни ўргатиш тизими ўқувчилар билим даражасининг ошишига, уларнинг интеллектуал юксалишига ва маънавий дунёсини бойитишга имкон туғдиради. «Ёшларимизнинг мустақил фикрлайдиган, юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга бўлиб, дунё миқёсида ўз тенгдошларига ҳеч қайси соҳада бўш келмайдиган инсонлар бўлиб камол топиши, бахтли бўлиши учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини сафарбар этамиз»¹. Бу борада, жумладан, республикамиз олий ўқув юртларида она тили ва чет тилларининг қиёсий типологияси, грамматика, лексикология, фразеология, лингвокультурология соҳасидаги билимларини янада юқори даражада шакллантириш амалиётини жорий қилиш муҳим аҳамият касб этади.

¹ Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. –146 б.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги ПҚ-1875-сон «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон «Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 августдаги 610-сон «Таълим муассасаларида чет тилларни ўқитишнинг сифатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда бошқа меъриёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация республика фан ва технологиялар тараққиётининг 1. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон тилшунослигида объектив замонни тилдаги инъикоси, воқеланишини бир-бирига қарама-қарши қўйиладиган замон шакллари тизимлаштириш, таснифлаш нуқтаи назаридан тадқиқ қилиш ва ўрганиш устувор йўналиш бўлиб келмоқда. Ҳозирга қадар мазкур муаммо тадқиқи билан Ҳ.Райхенбах, Й.Баллвег, К.Фабрициус-Ҳансен, Ҳ.Гелхаус, М.Ҳервег, К.Линдгрэн, С.Латцел, Д.Вундерлих, А.Штойбэ, В.П.Литвинов, В.И.Радченко, В.А.Жеребков, А.Ҳожиев² ва бошқалар шуғулланиб келдилар.

О. Москальская немис тили замон шакллариининг функционал-семантик хусусиятини тадқиқ қилишда оппозиция усулига мурожаат қилса³, Е.И.Шендельс матний ва узвли таҳлилга асосланиб, замон шакллариининг парадигматик ва синтагматик хусусиятини таҳлил қилади⁴. Р. Тиерофф эса ўз тадқиқотида парадигматик маънони синтагматик маъно билан қориштириб

² Reichenbach H. Elements of symbolic logic. – New York: Holt, Rinehart and Winston, 1947. – 394 p; Fabricius – Hansen C. Tempus fugit. Über die Interpretation temporaler Strukturen im Deutschen. – Düsseldorf: Schwann, 2006. – 342 S; Gelhaus H. Das Futur in ausgewählten Texten der geschriebenen deutschen Sprache der Gegenwart. Studien zum Tempussystem. – München: Indicium, 2007. – 370 S.; Herweg M. Zeitaspekte. Die Bedeutung von Tempus, Aspekt und temporalen Konjunktionen. – Wiesbaden: DUV, 2008. – 364 S. Lindgren K. Über den oberdeutschen Präteritumschwund.-Helsinki, 1997. –184 S; S. Latzel, Die deutschen Tempora Perfekt und Präteritum. – München: Indicium, 2007. – 318 S.; Wunderlich D. Tempus und Zeitreferenz im Deutschen. – München: Indicium, 1999. – 402 S.; Steube A. Temporale Bedeutung im Deutschen. – Berlin: Akademie Verlag, 1989. – 298 S.; Litvinov V.P./ Radčenko V.I. Doppelte Perfektbildungen in der deutschen Literatursprache. – Tübingen: Niemeyer, 1998. – 268 S.; Жеребков В.А. Временная соотносённость в системе немецкого глагола // Учёные записки Ярославского пед. инс. иностр. яз.), вып. 4, 1965. –С.50-64.; Ҳожиев А. Фел. –Тошкент: Фан, 1973. – 192 б.

³ Moskalskaja O. Grammatik der deutschen Gegenwartssprache. – М.: Verlag Hochschule, 1971. –384 S.

⁴ Шендельс Е.И. Многозначность и синонимия в грамматике. –М.: Высшая школа, 1970. –284 с

юборади⁵. Шунингдек, немис тилида замон микросистемаси мавжудлиги инкор этилган тадқиқотлар ҳам бор⁶. Шунга қарамасдан замон категорияси шакллари турли услуб ва матнда қўлланиши ҳақида маълумот етарли эмас. Бинобарин, тадқиқотчилар олдида турган асосий вазифалардан бири замон категорияси шакллари алоҳида асарга таяниб ўрганишдан маълум давр мобайнида яратилган макроматнлар кесимида таҳлил қилишга ўтиш зарурлигидир⁷. Замон шакллари транспозицияси немис тилида кенг тарқалган ҳодиса. Бунинг боиси шуки, тилда услубий фарқланишнинг ривожланиши натижасида замон шакли кўчма маънода ҳам қўлланадиган бўлган. Замон шакллари қўлланишида транспозициянинг салмоғи тобора ортиб бораётганлигига қарамасдан, грамматика ва услубиятга доир тадқиқотларнинг аксариятида у йўл-йўлакай таҳлил қилинади. Бу муаммога бағишланган махсус тадқиқот ниҳоятда кам⁸. Ҳолбуки, бу ҳодиса билан боғлиқ масалалар, жумладан, транспозициянинг замон маънолари тизимидаги ўрни, кўчма маъно билан ҳосила маъно орасидаги фарқ, унинг асосий маъно билан алоқаси ҳамда прагмастистик намоён бўлиши махсус ўрганишни талаб қилади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Бухоро давлат университетида «Тилшуносликнинг долзарб муаммолари» мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади насрий асарлар матнида ҳозирги немис тилида замон шакллари транспозицияси кечишини тизимли равишда тавсифлаш ва ушбу ҳодисанинг прагмастистик хусусиятларини очиқ беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

насрий матнда замон шакллари транспозициясининг рўй бериши сабабларини излаш ва қўлланишидаги ўзига хосликни тавсифлаш;

немис тили замон шакллари транспозициясининг муҳим белгиларини ажратиш;

немис тилидаги насрий матнларда кўчма маънода қўлланадиган замон шакллари аниқлаш;

замон шакллари транспозициясининг прагматик ва стилистик имкониятларини таҳлил қилиш;

транспозиция жараёнида замон шакллари транспозициясининг ўзаро муносабатини таҳлил қилиш;

⁵ Thieroff R. Das finite Verb im Deutschen. Tempus – Modus - Distanz // Studien zur deutschen Grammatik 40. - Tübingen, 1992. -N1. -S. 54-88

⁶Engel Ulrich. Deutsche Grammatik. -3., korrigierte Auflage. –Heidelberg: Julius Groos Verlag, 1996. –349 S.

⁷ Ballweg Joachim. Die Semantik der deutschen Tempusformen. – Düsseldorf: Schwann, 2008. – 188 S; Abraham W., Janssen T. Tempus – Aspekt – Modus. Die lexikalischen und grammatischen Formen in den germanischen Sprachen. – Tübingen: Niemeyer, 2009. – 372 S.; Brons-Albert R. Die Bezeichnung von Zukunftigem in der gesprochenen deutschen Standardsprache. – Tübingen: Narr, 2004. – 188 S.; Ehrich V./ Vater H. (Hg.) Temporalsemantik. Beiträge zur Linguistik der Zeitreferenz. – Tübingen: Francke, 2008. – 410 S.; Eroms H. W. Die doppelten Perfekt- und Plusquamperfektformen im Deutschen // Studia linguistica et philologica. Festschrift für Klaus Matzel zum 60. Geburtstag / H.W.Eroms et al. (eds.). –Heidelberg: C.Winter, 2004. – S. 345-351.

⁸ Zeller Jochen. Die Syntax des Tempus: zur strukturellen Repräsentation temporaler Ausdrücke. – Opladen: Westd. Verlag, 1994; Welke Klaus. Tempus im Deutschen: Rekonstruktion eines semantischen Systems. – Berlin, New York: de Gruyter, 2005. –284 S.

немис тили замон шаклларининг қатор ичидаги матний маънодошлигини далиллаш;

немис тили замон шаклларининг парадигматика ва синтагматикадаги матний транспозициясини очиб бериш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида насрий матнларда немис тили замон шаклларининг транспозицияси, яъни кўчма маънода қўлланиши танланди.

Тадқиқотнинг предмети немис тили замон шаклларининг насрий матнларда кўчма маънода қўлланишининг семантик ва услубий-функционал моҳияти ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда тил материални таҳлил қилишда асосан тасвирий методдан, шунингдек, статистик, майдон ва матний таҳлил методларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

замон шаклларининг маъноси, структур-семантик тартиботи, матн ҳосил қилиш имконияти каби белгилари ҳамда ҳозирги немис насрида контекстга боғлиқ ҳолда кўчма маънода қўлланиш чегаралари далилланган;

замон категорияси шаклларининг турли функционал услуб ва матнда стилистик, жумладан, образлилик, таъсирчанлик, бўёқдорлик каби хусусиятлари намоён бўлиши асосланган;

замон системасидаги аниқлик майли шакллари маъноларининг транспозиция муҳитида қатор ичида ва қаторлараро яқинлашуви, нейтраллашуви исботланган;

матнда кўчма маънода қўлланадиган замон шакллари қатори аниқланиб, уларнинг мазмуний-услубий ва прагматик-экспрессив хусусиятлари тил морфологик сатҳи бирликларининг матн тузилишидаги иштирокини намоён қилувчи кўрсаткич эканлиги исботлаб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

транспозициянинг юзага келишида аниқлик майлидаги замон шаклининг матнда фаоллашувида намоён бўладиган функционал-семантик хусусиятлари ҳал қилувчи омил эканлиги аниқланган;

транспозиция жараёнида замон шаклларининг ўзаро муносабати грамматик синонимлар қаторини ҳосил қилувчи манбалардан бири эканлиги очиб берилган;

немис тили замон шаклларининг ўзига хос хусусияти, маъноси, матн ҳосил қилиш имконияти, ономасиологик хусусиятига оид қатор таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган;

тадқиқот материалларини тизимлаштириш асосида замон шаклларининг иш-ҳаракатни нутқ моментида олдин, бир вақтда ва кейин бажарилишини кўргазмали тасвирловчи жадвали шакллантирилган;

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги республика ва халқаро миқёсдаги илмий-услубий ва илмий-амалий конференция материаллари тўпламлари, ОАК рўйхатидаги журналлар ҳамда хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, хулосалар, таклиф ҳамда тавсияларнинг амалиётда

жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти унинг хулосаларидан феъл морфологиясини ўрганиш, мазкур муаммога бағишланган умумназарий ҳамда амалий масалаларни ҳал этишда фойдаланиш имконияти мавжудлигида кўринади. Феъл шакллари транспозициясини тўлиқ тавсифлаш тилнинг морфологик системаси ҳақидаги назарий тасаввурларни кўп жиҳатдан чуқурлаштириш ва ойдинлаштиришга имкон беради.

Тадқиқот натижалари матнни лингвостилистик шарҳлаш, таржимашунослик, ўрта ва олий мактабда немис тили ўқитиш методикаси учун амалий аҳамиятга эга. Ушбу тадқиқот нутқ маданияти назарияси ва амалиёти учун ҳам муҳим аҳамият касб этади, чунки нутқда кўчма маънода қўлланадиган замон шакллари аниқлаш, уларнинг мазмуний-услубий ва прагматик-экспрессив хусусиятларини ҳисобга олиш тилнинг морфологик сатҳини аввало машҳур немисзабон ёзувчилар асарлари асосида тадқиқ қилишни тақозо этади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши: немис тили замон шакллари транспозициясининг прагмастилистик хусусиятлари, жумладан, замон шакллариининг насрий матнларда транспозицион қўлланиши, транспозициянинг воқеланиш сабабларини излаш ва матний хусусиятларини тавсифлаш, замон шакллари транспозициясининг прагматик ва стилистик имкониятларини таҳлил қилиш юзасидан олиб борилган тадқиқот натижаларидан ОТ–Ф8–62 рақамли «Тил тараққиётининг деривацион қонуниятлари» мавзусидаги фундаментал лойиҳани бажаришда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 11 январдаги 89-03-174 сон маълумотномаси). Тадқиқот натижалари тилнинг коммуникатив актлардаги семантик ва деривацион хусусиятини ўрганиш, замон шакллариининг ўзига хос хусусияти, маъноси, структур-семантик тартиботи, матн ҳосил қилиш имконияти, транспозициянинг насрий матнда воқеланиш йўллариини системалаштириш, шунингдек, замон шакллариининг функционал-стилистик, прагматик хусусиятларини очиб беришда хизмат қилган;

замон шакллариининг прагмастилистик хусусиятларини очиб беришда микро- ва макроматндан, яъни катта бадий асарлардан фойдаланишга, бадий асар муаллифи адабий услуби, асар қаҳрамонларининг ички кечинмалари, тасаввурлари, орзу ва уй-хаёлларини тасвирлашда замон шакллариининг матн ҳосил қилишдаги аҳамиятига бағишланган тадқиқот натижаларидан Ф-1-06 рақамли «Истиқлол даври ўзбек адабиётида Шарқу Ғарб адабий анъаналари синтези» мавзусидаги лойиҳани бажаришда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 11 январдаги 89-03-174 сон маълумотномаси). Тадқиқот натижалари немис ва ўзбек тиллари замон шакллариининг транспозицияси прагмастилистик хусусиятлари ўзаро қиёсланиши орқали Шарқу Ғарб филологик анъаналарининг ўзига хослигини асослаш бўйича хулосалар чиқариш имконини берган;

немис тилида замон шакллариининг ёзма ва оғзаки нутқда қўлланиши, содда ва қўшма замон шакллариининг ясалиши, уларнинг грамматик, прагматик ва семантик-стилистик хусусиятларига оид илмий хулоса ва натижалари Бухоро вилоят телерадиокомпаниясида эфирга узатилган «Билафон болажон», «Немис тили сабоқлари» каби кўрсатув ва эшиттириш сцеранийларига киритилган (Бухоро вилоят телерадиокомпаниясининг 2018 йил 26 декабрдаги 1/618 сон маълумотномаси). Фойдаланилган натижа ва материаллар эфирга узатилган кўрсатув ва эшиттиришларнинг мазмун-моҳиятини бойитган, томошабинларнинг немис тилига бўлган қизиқишини кучайтирган, туризм соҳасида ишлайдиган ходимларнинг немис тили ва маданиятига оид билимлари кенгайтишига хизмат қилган;

2018 йил 08-09 ноябрь кунлари Германия Федератив Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси томонидан ташкил этилган «Бўлажак немис тили ўқитувчиларига онлайн таълим бериш» семинарида «Немис тили замон шакллариининг прагмастилистик хусусиятлари» номли диссертация лойиҳаси тақдимот қилиниб, иштирокчилар томонидан қизгин муҳокама этилган (Германия Федератив Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси маълумотномаси, 24.09.2019). Семинар иштирокчилари ушбу тадқиқот долзарблигини эътироф этиб, унинг натижалари Ўзбекистонда германистика соҳасидаги тадқиқотларни бойитади ва немис тили ўқитувчилари билимини оширишга янги туртки беради, деган хулосага келган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқотнинг асосий натижалари 4 та халқаро ва 10 та республика илмий-амалий анжуманларида маърузалар кўринишида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.

Тадқиқот мавзуси бўйича 33 та илмий иш чоп этилган. Шулардан битта монография, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссияси томонидан диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этган илмий нашрларида 10 та мақола, жумладан 2 та хорижий ва 8 та республика илмий журналларида ёритилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертациянинг таркиби кириш, уч асосий боб, умумий хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, умумий ҳажми 141 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг аҳамияти асослаб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётда жорий этиш, нашр қилинган ишлар, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар келтирилади.

Диссертациянинг «**Замон ҳодисаси ва унинг матн доирасидаги транспозицияси**» деб номланган биринчи бобда замон шакллари транспозициясининг умумий тамойиллари, иш-ҳаракат грамматик ифодасининг нутқ моменти билан муносабати, объектив ва контекстуал замоннинг матнда намоён бўлиши, транспозиция жараёни юзага келишининг умумий хусусиятлари каби масалалар тадқиқ қилинган. Тадқиқотда замон категорияси тизимида транспозициянинг роли, замон шакллари транспозицион қўлланишининг сабаб, мақсад ва вазифалари очиб берилган.

Транспозиция жараёни иккита аъзо иштирокида кечади. Улардан бирининг маъноси кўчиб, транспозицияга учраса, иккинчиси – транспозицияга сабаб бўлади. Бу аъзолар ўзаро алоқадор бўлиб, маълум семантик муносабатга киришади. Транспозицияга учрайдиган аъзо маъносининг ўзига хослиги унинг парадигматик маъносига хос бўлмаган контекстда қўлланганида асосий маъносининг сақлаб қолинишида кўринади.

Транспозицияловчи аъзо гапда иштирок этмаса-да, унинг кўчма маънода қўлланган шаклга қарама-қарши қўйилиши яққол сезилиб туради. Замон шаклларининг кўчма маънода қўлланиши айнан ана шу қарама-қаршиликка асосланади.

Феъл ифодалаган ҳаракатнинг замон маъноси грамматик шакл орқали ифодаланади. Сўнгги йилларда феъл замон шаклларининг турли-туман маънолари, уларнинг ҳар хил матнда вокеланиши масаласига бағишланган ишлар пайдо бўлди⁹. Микро- ва макроматнда замон шакл-ларининг қўлланиш чегараси ўзгариб, бир шакл бошқасининг вазифасини бажариши мумкин. Бундай ҳолда матн замон шаклларининг ўзида белгиланган ҳозирги, ўтган, келаси замон каби умумий грамматик маънолари учун ноқулай бўлиб уларнинг синтагматик маъноси учун қулай бўлади. Бинобарин, синтагматик маънолар замон шаклларининг функционал, яъни матний хусусияти билан боғлиқ.

Бошқача айтганда, феъл шакллари парадигматик жиҳатдан морфологик замон категориясини ифодаласа, феъл шаклининг матн унсурлари билан ўзаро

⁹ Hentschel Elke/Weydt Harald. Handbuch der deutschen Grammatik.- 4.,durchgesehene Auflage. –Berlin – New York: Walter de Gruyter, 2007. –482 S; Hauser-Suida U./Hoppe-Beugel G. Die Vergangenheitstempora in der deutschen geschriebenen Sprache der Gegenwart. Untersuchungen an ausgewählten Texten. – Düsseldorf; München: Iudicium, 2002. – 489 S; Herweg Michael. Zeitaspekte. Die Bedeutung von Tempus, Aspekt und temporalen Konjunktionen. – Wiesbaden: DUV, 2008. – 364 S; Vater Heinz. Hat das Deutsche Futurtempora? // Zu Tempus und Modus im Deutschen. – Trier: WVT, 2007. – S. 53-69.

таъсирида контекстуал замон категорияси ҳосил бўлади¹⁰. Масалан, презенсга бетараф контекстда ва контекстдан ташқарида ҳозирги замон маъноси хос. Ноқулай контекстда у ёки бу восита таъсирида у келаси ёки ўтган замондаги иш-ҳаракатни ифодалайди. Феълнинг замон шакли контекстдаги унсур, воситалар билан алоқага киришади. Бундай ҳолда унинг замон маъноси конкретлашади ёки бошқа замон маъносини ифодалайди. Шуни айтиш жоизки, грамматик замон майдонининг чекка қисмида жойлашган воситалар айрим ҳолда феъл ифодалаган ҳаракатнинг замонини белгилашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади. Улар замон шаклининг маъносини ўзгартириб, бошқа замонни ифодалашни тақозо этиши мумкин.

Бадиий асар матнида ҳол вазифасидаги сўзлар ҳар доим иштирок этавермаса-да, бироқ контекст доирасида ҳамиша замонга ишора мавжуд ва воқеа-ҳодисанинг объектив замони ҳақида аниқ маълумот берилади. Натижада, контекстда замон шакллари кўлланиши, уларнинг мувофиқлашуви етарли даражада ўз ифодасини топади. Тасвир, ҳикоя тўлиғича претеритда олиб бориладиган матнда кўчирма гапда ҳозирги замонни ифодалаш учун презенс кўлланади, чунки асар қаҳрамонлари учун бу ҳозирги, ўқувчи учун эса ўтмишдаги воқеалар ҳақида ҳикоядир. Ўқувчи ҳозирги замон ҳудудида туриб, уларни четдан кузатади.

Бадиий тасвирда асосан претеритал шакллар кўлланади ҳамда қисман тарихий презенсга мурожаат қилинади. Претеритнинг ўзи хабар, яъни бадиий тасвир пайтидан олдин содир бўлган воқеа-ҳодисаларни ифодалайди. Бу воқеа-ҳодисалар муаллифга ҳам, ўқувчига ҳам реал бўлади. Претеритал шакллар эса бадиий тасвирда ўтган замон маъносига эга бўлмайди, улар тасавурий ҳозирги эпик замонни ифодалайди¹¹. Бошқача айтганда, бадиий асар қаҳрамонлари яшаб, ҳаракат қиладиган замонни ифодалаш учун хизмат қилади.

Презенс билан претерит макро- ёки микроматнда эмас, алоҳида олинган гапда турли замонни ифодалайди: биринчиси ҳозирги, иккинчиси ўтган замонни билдиради. Бадиий асарда мазкур фарқ, одатда, сезилмайди. Феъллар турли замон шаклида кўлланса ҳам, бир нутқий вазиятдан иккинчисига табиий равишда ўтгандек қабул қилинади.

Бадиий насрда сюжетли ҳозирги замоннинг икки тури – презентал, яъни тарихий ва претеритал кўриниши намоён бўлади. Улар мазмунан бир-биридан мазкур шакллари инвариант маъноларига кўра фарқланади. Фарқлар бир қатор хусусий белгиларда ҳам кузатилади. Жумладан, ҳикоялаш бўғинларининг ярим ёпиқ ва ёпиқлиги шундай. Иккала тур ҳам амалда ҳеч қачон реал ҳозирги замонга мос тушмайди, фақат факультатив равишда реал ўтган замон билан мос келади. Айни пайтда грамматик, матний ва реал замон тушунчалари ўхшаш синтагматик моделда воқеланади. Презенснинг ҳар иккала шакли ҳам ўзига қулай бўлган матн доирасида воқеланади.

¹⁰ Franke Wilhelm. Einführung in die Sprachwissenschaft. –Hamburg: Helmut Buske Verlag, 2006.- VIII, –S. 249.

¹¹ Latzel S. Die deutschen Tempora Perfekt und Präteritum. – München: Iudicium, 2007. – S. 104.

Диссертациянинг «Немис тили замон шакллари транспозициясининг воқеланиш тизими» деб номланган иккинчи бобида замон шакллари маъноларининг матнда ўзаро алмашинуви, транспозициянинг муҳим белгилари, шунингдек, замон шаклларининг қатор ичидаги матний маънодошлиги таҳлил қилинган.

Немис тилида замон шакллари олти аъзоли оппозицияни ҳосил қилади. Оппозиция замон қаторлари орасида ҳам, қатор ичида ҳам кузатилиши мумкин. Бунда претеритал, презентал ва футурал замон қаторлари назарда тутилган. Ушбу қаторлар аъзоларининг оппозициясини замон шакллари ўзаро бир ёки бир неча фарқловчи семантик белги асосида қарама-қарши қўйилган жадвалда яққол тасвирлаш мумкин.

Жадвал 1.

Замон қаторлари	Замон шакллари	Ушбу замон қаторининг ҳисоблаш нуқтаси билан мутаносиблашган ФСБ	Нутқ momenti билан мувофиқлашган ФСБ				
		Перф.	ИБ	ИО	ОБ	БВ	КС
Претеритал	Plusquamperfekt Präteritum	+	+	+	+	-	-
		-	+	+	+	-	-
Презентал	Perfekt Präsens	+	+/-	+	+	-	-
		-	+/-	-	-	+	-
Футурал	Futurum I Futurum II	-	-	-	-	-	+
		+	-	-	-	-	+

Претеритал қатор замон шакллари маъноларининг яқинлиги юқорида келтирилган жадвалдан яққол кўриниб турибди. Плюсquamперфект ва претерит маъноларининг яқинлашиши перфектлик белгисини йўқотганда ҳам кузатилиши мумкин. Перфектлик фарқловчи семантик белгиси, одатда, олдин рўй берганлик ва боғланганлик субсемаларининг бирикмаси сифатида тушунилади.

Транспозиция ҳодисасини ўтган замон шакллари мисолида кўриш мумкин. Жумладан, қуйидаги микроматн перфектнинг парадигматик маъноси учун ноқулай:

Ich habe bald meine Dissertation abgeschlossen! Кўриниб турибдики, биргина содда гапдан иборат ушбу матн диалогнинг бир қисмидир. Унда қўлланган луғавий восита **bald** таъсирида перфект келаси замон маъносини ифодалаш учун хизмат қилмоқда. Айни пайтда, у перфектлик маъносини сақлаб қолгани боис, ҳали рўй бермаган иш-ҳаракатни бўлиб ўтгандек, сўзловчи бошидан кечиргандек тасвирлаш имконини бермоқда.

Келаси замон шакллари ўтган замон шакллари ўрнида қўлланганда эса рўй берган иш-ҳаракат ҳали рўй бермагандек ва шу билан бирга сўзловчи уни олдиндан билгандек тасвирланади. Булар тасвирланаётган воқеа-ҳодиса таъсирчанлигини ошириб, унга ёрқинлик бахш этади:

Wir kommen durch die drei Schleusen der atlantischen Seite, die Gatun-Locks. Jeder dieser flüssigen Fahrstühle hebt uns etwa zwölf Meter empor... Auf der pazifischen Seite, bei Pedro Miguel und Miraflore werden wir drei ebenso hohe Stockwerke hinabsteigen müssen (E.Kisch, Paradies Amerika, 128).

Кўпинча пайт маъносини билдирувчи луғавий воситалар феъл шаклининг замон маъносини аниқлаштириш учун хизмат қилади. Шу сабабли улар жумлада феъл шаклининг замон моҳиятини белгилайдиган мустақил замон марказини ҳосил қила олмайди.

Ўтган замон шакллари кўчма маънода қўлланиши кўп учрайди. Бу ерда ҳам грамматик шакллари иккинчи даражали, аммо асосий маъносида қўлланишини кўчма маънодан ажратиш каби мураккаб муаммо вужудга келади. Перфект, шунингдек, футурум II нинг ўзига хос хусусияти келаси замондаги олдин содир бўлган иш-ҳаракатнинг кейингиси бошлангунга қадар тугашини таъкидлаб кўрсатишдан иборат: *Versprich wenigstens – nachher! - Dann hast du doch erreicht, was du wolltest!* (E.Remarque, Drei Kameraden, 122) Перфект бу гапда кўчма маънода қўлланган. У келгусидаги иш-ҳаракатни амалга ошгандек, бошдан кечирилгандек қилиб тасвирлайди. Бу фикрни жонлироқ ва яққолроқ тасвирлаш имконини берган. Бу ерда транспозицияловчи аъзо сифатида футурум II қўлланиши керак эди.

Плюсквамперфектнинг кўп маънолиги унинг аспектuali характери билан ҳам боғлиқ. Камдан-кам ҳолда плюсквамперфект ҳам кўчма маънода қўлланиши мумкин. Масалан: *Nur eine Bewegung – und es war um ihn geschehen.* Ушбу матн плюсквамперфектнинг «ўтган замон» семаси учун ноқулай бўлиб «келаси замон» маъноси учун қулай. Бу маънонинг намоён бўлишига гап бошида турган луғавий восита қулайлик туғдиради. Айни пайтда плюсквамперфектнинг ўзига хос «тугалланганлик» маъноси сақланиб қолган.

Плюсквамперфектнинг яна бир кўшимча маъноси сифатида биз унинг ўтган замонда бўлган бир иш-ҳаракатдан кейинги иш-ҳаракат, воқеа-ҳодисани (нем. *Nachvergangenheit*) ифодалашни ажратамиз. Плюсквамперфектнинг бу маъноси нутқ моментидан олдинги «келаси замон» ни ифодалашга хизмат қилади ва у футурал плюсквамперфект (*das futurische Plusquamperfekt*) дея номланган. Футурал плюсквамперфект перфектнинг келаси замонни ифодалаш (*futurisches Perfekt*) маъносидан фарқ қилади. Перфект иш-ҳаракатнинг ҳақиқатдан ҳам келаси замонда амалга ошишини ифодаласа (*Morgen habe ich die Treppe geputzt*), плюсквамперфект доимо иш-ҳаракатнинг нутқ моментидан олдин бажарилишини ифодалайди. Аслида, плюсквамперфект учун хос бўлган узок ўтган замон (нем. *Vorvergangenheit*) маъноси контекст таъсирида чекиниб, унинг нутқ моментига нисбатан яқин ўтган замон (нем. *Nachvergangenheit*) маъноси ҳосил бўлади:

Er schoß so lange, bis er *getroffen hatte*.

Der Pfarrer predigte solange, bis die Gemeinde *eingeschlafen war*.

Замон шакллари системасида парадигматикада аниқ акс этадиган оппозиция қаторлари ҳосил бўлади. Контекстдаги синтактик ва лексик воситалар, шунингдек, шакл ясаладиган сўзлар таъсирида қарама-қарши аъзоларнинг фарқловчи белгилари нейтраллашиши мумкин. Бундай ҳолда муайян замон шакллариининг маъноси ўзаро яқинлашади¹².

Презентал қатори қолган икки қатордан тубдан фарқ қилиши фарқловчи белгилар жадвалидан яққол кўриниб турибди. Қолган икки қаторда замон шакллари фақат битта белги перфектликка кўра фарқланса, презентал қаторнинг замон шакллари бир-бирига тўрт фарқловчи семантик белгига кўра қарама-қарши қўйилган: 1) перфектлик, 2) иш-ҳаракатнинг охири, 3) нутқ моментидан олдин рўй берганлик ва 4) нутқ momenti билан бир вақтлик. Охириги уч оппозиция фақат презентал қаторга хос бўлиб, уларнинг ҳаммаси приватив оппозицияни ҳосил қилади.

Қуйидаги мисолларда перфектнинг маъноси презенсининг умумзамон маъносига мос келади:

Solange ich erinnern kann, *habe* ich immer eine Abneigung gegen körperliche Züchtigung *gehabt* (H.Böll, Und sagte kein einziges Wort, 37);

Galilei, ich *habe* dich immer als einen schlaunen Mann *gekannt* (B.Brecht, Das Leben des Galilei, 31).

Презенс бемалол перфектнинг вазифасини бажара олади. Бу презенс интиҳоли ёки иш-ҳаракат давомлилиги ҳамда натижасини англатувчи феъллардан ясалганда рўй беради:

Ich bemerke \approx habe bemerkt. Ich komme, um Ihnen mitzuteilen... \approx bin gekommen. Die Ulme breitet ihre Zweige aus \approx hat ausgebreitet. Der blaue Himmel spannt sich über uns aus \approx hat sich ausgespannt.

Шундай қилиб, презентал қаторда замон шакллари маъносининг перфектга яқинлашиши хос. Бу ўзига хос турдаги нейтралзация, чунки замон шакли оппозициянинг кучли аъзоси белгиларига эга бўлади. Нейтралзациянинг бошқа кўриниши оmissия бўлиб, бунда кучли аъзо айрим белгисини йўқотади. Ушбу ҳолатда перфект замон қаторида кучсиз аъзо сифатида намоён бўлади.

Футурал қаторда ҳам *перфектлик* белгисига эга бўлмаган замон шакли контекст ёки шакл ясалган феълнинг луғавий хусусияти таъсирида бу белгига эга бўла олади. Футурал қаторда бундай шакл футурум I дир. Масалан, қуйидаги матнда интиҳоли феълдан ясалган футурум I шундай вазифани бажаради: Er wollte Bilfingers Material ergänzen; denn der Tag *wird kommen*, da dieses Material mehr als nur historisches Interesse haben wird (L.Feuchtwanger, Die Geschwister Oppermann, 29).

Контекстдаги аспектологик восита таъсирида интиҳосиз феълдан ясалган футурум I шакли ҳам футурум II каби тугалланган ҳаракатни ифодалай олади:

¹² Moskalskaja O. Grammatik der deutschen Gegenwartssprache. – M.: Verlag Hochschule, 1971. – S. 46-55.

Mathilde dachte: «Unbefasslich, dass es in kürzer Zeit die Sprache *lernen wird*, die der Mensch im Laufe von Jahrmillionen schuf» (L.Frank, Mathilde, 87).

Нисбий қўлланган футурум II нисбий қўлланган перфектга яқинлашади. Бу ҳодисада яққол намоён бўлган контекстни кўрамиз: *Wenn du es geschafft hast*, werde ich nicht mehr bei dir sein, hatte sie einmal gesagt... *Du wirst schaffen!* – sagte sie leise. Aber wenn du es *geschafft haben wirst*, werde ich nicht mehr bei dir sein (H.Fallada, Wolf unter Wölfen, 55).

Мисолда Ҳ. Фаллада ўхшаш контекстуал шароитда феълнинг икки хил грамматик шаклини бир хил грамматик ахборотни етказиш учун қўллаган. Бу ерда футурум II билан нисбий замон маъносидаги перфект орасидаги синонимик муносабат яққол кўринади.

Диссертациянинг «**Немис тили замон шакллари матндаги транспозициясининг прагмастилистик вазифаси**» деб номланган учинчи боби замон шакллари транспозицияси, матннинг прагмастилистик қиёфаси, футураллик ва перфектликнинг шартланганлиги ҳамда замон шаклларининг публицистик матнларда прагматик қўлланишига бағишланган.

Тилнинг коммуникатив табиатини, унинг прагматик имкониятларини, турли мулоқот шароитларида фаоллашув шартларини ўрганиш тилшуносларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Зотан, айнан шу йўналишдаги тадқиқотлар инсон нутқий фаолиятига оид ҳодисаларни ажратиш ва нутқий тузилмаларнинг мулоқот мақсадига мос равишда шаклланиш қонуниятларини аниқлашга имкон беради.

Тилшунослар грамматик бирликлар маъносининг бирламчи ва иккиламчи турларини ажратишга одатланган. Грамматик шаклнинг бирламчи вазифаси сифатида унинг объектив борлиқ элементларига ишора қилиш қаралса, иккиламчи вазифанинг маълум контекстда намоён бўлиши таъкидланади. Иккиламчи вазифа асосан грамматик шаклларнинг кўчими, транспозицияси билан боғлиқ бўлиб, ушбу шаклнинг шу парадигматик қаторга кирувчи бошқа шакл маъносида қўлланишидир. Бундай ҳолатда маъно оттенкалари билан фарқланувчи синоним шакллар юзага келади. Ҳозирги замон тилшунослигида етакчилик қилаётган антропоцентрик йўналиш доирасида матннинг етакчи категорияларидан бири муаллиф образи эканлиги таъкидланмоқда¹³. Ушбу йўналишда тил мулоқот фаолияти сифатида талқин қилиниб, нутқ субъекти ушбу фаолият марказида туради. Айнан муаллиф нутқи замон шаклларининг прагматик вазифаси намоён бўладиган «майдон»дир. Замон шаклларининг прагматик вазифаси ҳикоя қилувчи ёки нарраторнинг воқеликка муносабати нуқтаи назаридан матнда акс топади. Шу сабаб, замон шакллари функционал вариантлари ва грамматик синонимлари таҳлили нарраторнинг коммуникатив мақсади ва стратегияси доирасида олиб борилиши керак. Коммуникатив стратегия адресант учун маъқул келадиган нутқ мақсади, унинг баёни ва прагматик талабларни моделлаштириш ҳамда ушбу моделдан мулоқот

¹³ Ashurova D.U., Galieva M.R. Stylistics of Literary Texts. –Т.: Alisher Navoiy nomidagi milliy kutubxonasi nashriyoti, 2013. –204 p.

мухитида фойдаланиш йўлини режалаштиришдир. Олиб борилган таҳлил кўрсатишича, замон шакллари бажарадиган прагматик вазифа ҳикоя қилувчи персонажнинг коммуникатив стратегиясига мос равишда фаоллашади. Масалан, транспозиция шароитида ҳосил бўлган ҳозирги замон шаклининг функционал вариантлари Э.М.Ремаркнинг «Im Westen nichts Neues/Ғарбий фронтда ўзгариш йўқ» романи бош қаҳрамони Паул Боймернинг нутқида учрайди. Айниқса, баён воқеликни тасвирлаш кўринишини олганда, ҳозирги замон шаклининг вариантлари олдинги ўринга чиқади. Қиёсланг: *Wir sehen auf seine Decke. Sein Bein liegt unter einem Drahtkorb, das Deckblatt wölbt sich dick darüber. Ich trete Müller gegen das Schienbein, denn er brächte es fertig, Kemmerich zu sagen, was uns die Sanitärer draussen schon erzählt haben, daß Kemmerich kein Bein hat. Das Bein ist amputiert* (S.21).

Келтирилган матн парчасида ҳозирги замон шаклининг қўлланиши ҳикоя қилувчининг тасвирланаётган объект билан яқин жойда эканлигидан ва уни бевосита идрок этаётганидан дарак беради.

Табиийки, бадий матнда ўтган замон шакллари бошқа шаклларга нисбатан кенгроқ кўламда қўлланилади. Лекин бу ҳолат кўпинча нутқий баённинг прагмастик хусусиятлари билан боғлиқ. Масалан, асар қаҳрамони Паул Боймернинг нутқи кучли эмоционал бўёққа эга ва ўтган замон шакли воқеа баёнини янада ҳиссиётли бўлишини таъминлайди: *Wir rückten dem Kerl auf den Leib. Keiner konnte ihn gut leiden, er war schon ein paar mal schuld daran gewesen, daß wir im Graben das Essen viel zu spät und kalt bekommen hatten, weil er sich bei etwas Granatfeuer mit seinem Kessel nicht nahe genug herantraute, so daß unsere Essenholer einen viel weiteren Weg machen mussten als die der andern Kompanien* (S.16)

Роман матнида замон шакллари синонимик қаторларининг прагматик имкониятлари ўрганилганда, энг кўп миқдорни ўтган замонни ифодаловчи шакллар ташкил қилиши маълум бўлди (80% дан ортиқ). Зеро, ўрганилаётган шаклларнинг прагматик вазифаси асар мундарижасига (роман сюжети ўтган даврда кечган воқеа ҳақида) мос келади.

Жумладан, ўтган замон синонимик қатори ўтган – ҳозирги – келгуси замон шакллари билан иборат бўлиб, унинг етакчиси претерит шаклидир. Мазкур қаторнинг бошқа аъзолари сифатида ҳозирги ва келаси замон шакллари ва вазифавий вариантлари қатнашади. Ҳозирги ва келаси замон шакллари ўтган замон маъносини ифодалаш имкониятини қуйидаги мисолларда кўриш мумкин:

1. **Ҳозирги замон ўтган замон маъносида:** Am 5. September 1823 *rollt ein Reisewagen langsam die Landstrasse von Karlsbad gegen Eger zu. ...* . In der Kalesche *sitzen* drei Männer, der großherzoglich sachsen-weimarische Geheimrat v. Goethe und die beiden Getreuen. (S. Zweig. Die Sternstunden der Menschheit, 124)

2. **Келаси замон ўтган замон маъносида:** Doch es kam nicht so weit. Denn noch während das Schiff nach der Castilia del Oro steuert, begegnet ihm – ein Wunder in der damaligen Zeit, wo im ganzen ein paar Dutzend Schiffe auf diesen noch unbekanntenen Meeren fahren – ein stark bemanntes Boot, geführt von einem

Mann, dessen Namen bald durch die Welt *hallen wird*, (Francisco Pizarro, Sternstunden der Menschheit/Stefan Zweig, Fischer, 2002, S. 14)

Роман матнида қўлланилаётган ҳозирги тарихий замон шаклининг прагматик самараси ўзига хос бўлиб, сўзловчи нутқини тинглаётган шахс қачондир содир бўлган воқеани унинг бевосита иштирокчисидек тасаввур қилади, кўз олдига аниқ келтиради, унинг кузатувчисига айланади.

Ҳикоя қилишда қўлланган тасвирий презенс алоҳида-алоҳида воқеа-ҳодисалар билан эмас, уларнинг занжири икки томонлама очиқ ҳаракат каби тасвирланади. Ана шу билан презенснинг мазкур варианты «замонга тааллуқсиз» ёки умумзамон маъносидаги презенсдан фарқланади. Бу матнларда «замонга тааллуқсиз» презенс муаллифнинг шарҳи, ҳикоялашдан чекиниш, кириш ва ҳ.к. каби қабул қилинади. Локаллаштириш учун турли восита (*während, wenn, als, indem* каби боғловчилар) қўлланади. Алоҳида-алоҳида воқеа-ҳодиса цикли (ёки битта воқеа-ҳодиса)ни ифодалаш учун одатда интихосиз феъл, бир неча циклни ифодалаш учун эса интиҳоли қўлланади.

Автотемпораллиги туфайли перфектнинг ўз маъноси нутқий қўлланишда етакчи ўринни эгаллайди. Ўтган замон маъносини ифодалаш перфектнинг умумий қўлланишидан 90 фоиздан ортиғини ташкил қилади. Перфектнинг қўшимча маъноси (яъни бўлғусидаги иш-ҳаракатни ифодалаш) унинг асл маъносидан шуниси билан фарқланадики, унинг намоён бўлиши учун матн асосий рол ўйнайди. Аниқроқ қилиб айтганда, матн таъсирида парадигматик маъно таркибидаги ўтган замон семаси чекиниб, келаси замон семаси намоён бўлади. Перфект келаси замон маъносини ассимиляция туфайли ифодалаш мумкин. Бу транспозицияни амалга оширувчи восита вазифасини футурум I ёки унинг маънодошлари бажаради: «...Jedenfalls *werden* Tausende den Protest sofort *verstehen*, und damit habe ich meine Absicht erreicht!» (H. Müller, Atemschaukel, 45).

